

Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

2024-yil 26-dekabr, payshanba

№ 52 (9320)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

АСАЛ ТУТГАН ИНСОН БАРМОГИНИ ЯЛАЙДИ

Асалари етти хазинанинг бири. Асал, мум, гул чангига, асалари захри ва елими фоятда қимматбаҳо ва ноёб хомашёдир. Асалнинг шифобаҳшилигини бугунги кунда тан олмайдиган одам бўлмаса керак. Ахир, бундан минг йил илгариёқ, улуг бобокалонимиз Абу Али ибн Сино узининг "Тиб конунлари" асаридаги асалнинг "Минг дардга даво" сифатидаги, асалдан мингга яқин шифобаҳш муолажаларни ёзиб қолдирган. Олимларнинг тасдиқлашича, асал таркибида 70 дан ортиқ фойдалар бор.



Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида, Республика Асаларичилик бошқармаси эндиғина шакл-

ланеётган даврда мен шу бошқармада катта зоотехник бўлиб бир неча йиллар ишлаган эдим. Сўнг давр тақозоси билан Бухородаги асаларичилик хўжаликларининг

бирига раҳбар бўлдим. Оллоҳга минг шукрким, мана шу давргача асаларичиликни ўч тарк этмадим. Ҳозир ҳам Чорвачилик ва паррандажилик иммий-тадқиқот институтидаги



НАВОЙ ВИЛОЯТИ

КЎЗДА ТУТИЛГАН ИШЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

Жорий йилда мамлекатимизда, шу жумладан, Навоий вилоятida ҳам ирригация ва мелиорация соҳаларida кенг кўллами зимилари ҳавза бошқармаси бошлагининг биринчи ўринбосари Адҳам Фаттоев. – Шунингдек, 9 та сугориш кудуғи,



ишилар амалга оширилди. Жорий йилда ирригация ва мелиорация объектларида 11,7 километр узунликдаги канал, бир дона сув тўсувчи ишишот, 0,5 км. босимли кувурлар ҳамда 10 дона тик кудуқни куриш ва реконструкция килиши режалаштирилиб, ушбу ишиларга 30 563 миллион сўм маблағ сарфланиши белgilanlandi.

– Бугунги кунда 25 053,5 миллион сўм маблағ хисобига 12,2 километр узунликдаги канал объектларида куриш ишилари якунланди, – дейди Куйи Зарафшон ирригация ти-

насос станциясининг 0,5 км. узунликдаги босимли кувури ва Кармана тумани Ҳазора худудидаги Ҳазора каналигининг сув олиси қобилиятини ошириш учун Зарафшон дарёсига сунъий тўсик ишишоти куриш, реконструкция ишилари амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги мавжуд мелиоратив объектларда ҳам жорий йилда қилинishi кўзда тутилган ишилар мувafaқiyyati утталанди бау борадаги ишилар давом этимоқда.

Ориф ЖУМАНОВ,
"Qishloq hayoti"
муҳабири.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ


ҲАЛҚ ДАРДИГА ДАРМОН ҲАМШИРА

Соғлиғимиз посбони, ҳалқ дарди билан яқдил, дардмандга қанот бўлиб иш юритадиган тиббиёт ходимлар ҳамиша эл ардоғида.

Уларсиз ҳаётимизни тасаввур қилиши кийин.

Ҳамширалар чин маънода нажот фариштлари хисобланади. Доимо ширин сўз тилидан тушмайдиган, касалларга кулиб, меҳр улашадиган ҳамширалар бутунги куннинг ҳақиқий қаҳрамонларидир. Лавҳамиз қаҳрамони Гулбахор Болтаева ҳам ана шундай олийхўммад, юқсан жасоратли ҳамширалардан бири. У 1975 йил 30 марта Шовот тумани Янгибод маҳалласида, зиёли оиласда тутилган. Ўрга мактабни туттагач, Ҳива тиббиёт техникиумига ўқишга кирган. Соҳага қизиқиши ва талабчанилиги туфайли техникумни аъло баҳоларга тутатиб, Шовот тумани тиббиёт бирлашмасига ҳамиша бўлиб ишга кирган. Қарийб ўтиз ийдай тиббиёт бирлашмасида фоалият олди бориб, юзга яқин шогирдлар чиқарган.

– Ешлигимдан шу касбга қизиқанман, бу маҳақатли касбни танлашмада онажонимнинг ўрни катта, – дейди Гулбахор Болтаева. – Онам кўп бетоб бўлардилар. Үнга укол қилишга



ҳамшира топишга жудайм қийналардик. Маҳаламида эса битта ҳамшира бор эди. Кечки пайтлари қон босимлари ошиб кетарди... Шу вақтлари мен илк бор ҳамшира Сапоргул опадан қон босимини ўлчашни ўрганганман. Кейинчалик укол қилишини ҳам ўрганиб олдим ва тиббиёт техникумida касбимни янада пухта ёгалладим.

Гулбахор опани тиришқоқ, ширин-

сўз ҳамшира сифатида барча бирдек хурмат килади. Унинг фаолиятидан ҳар қанча ўрнак олса, арзиди. Гулбахор Болтаевинг келгусидаги ишларига омадлар тилаб қоламиз. Нажот фариштаси, эл соғлиғининг посбони бўлишида малака, маҳорат ҳамроҳ бўлаверсин!

Асадбек ЮСУФБОЕВ,
ЎзЖОҚУ талабаси.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ: 33 ЙИЛЛИК ШАРАФЛИ ТАРИХГА БИР НАЗАР

2025 йил 14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 33 йиллиги кенг нишонланади.

Қуролли Кучларимиз бугунги кунда нафакат юртимиз тинчлиги ва осойишиштагининг таянчи, балки ўзбек халқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айланди.

Ўзбекистонда мустакилликнинг 33 йил давомидаги мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтганига бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун орта назар ташлар эканмиз, армамизиз 33 йил давомидаги мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтганига амин бўламиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларининг бирда шундай деган эди: "Албатта, Қуролли Кучларимизнинг шаклланishi жараёни дунёда ва минтақамизда мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият ҳукм сурган даврга тўғри келди.

(Давоми 2-саҳифада)



АСАЛ ТУТГАН ИНСОН БАРМОҒИНИ ЯЛАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Президентимизнинг соҳага оид қарорларида ҳам асаларичилик таромонини ривожлантириш, асал етишириш жаммини 2021 йилдаги 25 минг тоннадан 2026 йилга келиб, унинг саломғини 52,5 минг тоннага ва асалари оиласа сонни 2 млн.тага етказиш кабилар кўзда тутилган. Элимиз дастурхон учун белгиланган шифобахас асал йил сайин ошиб бормоқда. Бу албатта кўпчилик асаларичилик фермер ҳўжаликларига иқтисодий даромад олиб келмоқда.

Асаларичиликни сердаромад соҳага аллантириша аввало наслитлик ишларини ўйла қўймоқ лозим. Бунинг учун "Ўзбекистон асаларичилири" ўюнчалиси тасаррӯфидаги хусусан, баҳор эрта бошландиган жанубий вилоятларнинг бир, иккита ҳўжалигига зотор она асалари ва пакетли асалари етиширидаган маҳсус пунктлар ташкил этиш максадга мувофиқдир. Чунки кўп йиллардан бери ана шу долзарб соҳа унтилган эди, натижада она асаларидан ўз авлоди билан ўзаро чатишиб, унинг генетикитизими бузилди, серпуштилик хусусияти ўйқолди. Оқибатда буларнинг ҳаммаси асал хосилининг пасайишига таъсир этди.

Чорвачида ҳам чорва моллари наслини согломлаштириш мақсадида, чет элдан олиб келинган чорва наслидан фойдаланилади. Асаларичиликда ҳам ана шу тажрибани қўйлаша керак. Асалари оиласларни серасал ўсимликлар жойлашган далаларга тез-тез кўчириб туриш лозим. Эрта баҳорда чўл ва тог олди этаклари, интенсив боғларга кўчириш, кўчма асаларичиликни режали, схемали технologик карталар асосида ишлаб чиқиши шарт. Бундан ташқари, асалари заҳри ва асалари сути олиш ҳам ўйла қўйилса, катта фойда келтиради. 1978-1979 йилларда Бухоро асаларичилик ҳўжалигига ишлаган давримда, асалари сути етишириган эдим. Ҳар йили Одесса ва Москвадаги фармацевтика заводларига маҳсулотни топширганларим ҳамон эсимда. Таъкидлаш лозимки асалари сутини олиш жуда осон, у кўп меҳнат талаб қўйлмайди. Худди шундай, асалари заҳри ҳам жуда қимматбахо. Бир йилда ҳар бир асаларни оиласидан, асаларни ўлдирмасдан туриб 4-5 граммгача



асалари заҳри олса бўлади, мен буни ўз тажрибаларимда ўтказганиман.

Асал етиширишнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиши, фан ва технология ютуклари, илғорлар тажрибларни жорий этишини давр таъзоқро этмоқда. Интенсив технология асосида асал етишириш фоят иштоболли ва иқтисодий фойдалидир.

Асаларичилик илмий-тадқиқот ишлари билан Ўзбекистон чорвачилик ва паррандачиллик илмий-тадқиқот инститutининг асаларичилик бўлими шугулланади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилда бўлум томонидан янги асаларни линияси бўйича давлат патенти олинди. Ҳозир эса маҳаллий популяциядаги асалариларнинг иккита: тог ва чўл экотиплари тўғрисидаги маълумотлар патент олиш учун Интелектуал мулк агентлигига топширилди. Республикасиз ҳудудларига хос бўлган асалари оиласини бокишининг саноат асосидаги технологияси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган, оғир кўп меҳнати жараёнларини механизациялаш етарижий этишишмаган. Шуларни хисобга олиб, Асаларичилик бўлими ишини жонлантириш мақсадида, уларни қуллаб-куватлаш, бўлум илмий ходимлари сонини кўпайтиришни мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси 2022 йил

19 августдаги бўйругита асосан, Чорвачилик ва паррандачиллик илмий-тадқиқот инститutи қарамоғида Асаларичилик илмий-тадқиқот стансияси ва Асаларичиликни юқтиши мактаби ташкил этиди.

Бу стансия ва мактаб учун 13 та штат бирлиги ва алоҳида хоналар ажратилиди, ҳамда улар тегишли асоб-ускуналар билан жиҳозланди. Лекин ҳозиргacha бу штатлардан хеч қандай дарак ўйк.


Соҳани ривожлантиришнинг яна бир мухим йўли, шу йўналишида маҳсус дастур тайёрлаб, уни ишлаб чиқаришга жорий этишидир. Кейинги йилларда асаларилар муҳофазага муҳтоҷ бўлиб қолди. Шуларни хисобга олиб,



Асаларичилик тўғрисида конун ишлаб чиқиш ҳам таъзоқро этмоқда. Соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳукуматимиз ўз назоратига олса, айни муддоа бўпарди. Зеро, шунчаки бир тармоқ муаммоси бўлмасдан, бутун бир мисал саломатлигини тиқлаш ва мустаҳкамлаш, келажак авлод фаронлигини ошириш, унинг истикборлини белгилашга оид муҳим масалалардан бири бўлмоғи лозим. Умуман, жамиятимизда мулчилклар муносабатларидаги тафовутлар асаларичилик соҳасида ҳам яққол ўз ифодасини топмоқда. Шундай экан, асаларичиликка ихтинослашган, самарали фермер ҳўжаликларини ташкил этиши, соҳага эътиборни ошириш, экологик тоза, шифобахас асал етишириб, эл дастурхонига тортиқ этмоғимиз зарур. Асаларилар эса поенизис экинзорлар, мевазорлар ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириши асосий омил бўлиб, бу шубҳасиз, фаронлигинизни оширишга хизмат қиласди. Ҳулас, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда қанотли дўстларимиз кўмагига муҳтоҗмиз.

Асал кундулак ҳәтмизда, дастурхонимиз безаги бўлиб турар экан, унинг қадр-қиммати ҳам тўғри баҳоланиши керак. Ҳар холда "Кўлини асалал ботирган инсон бармоғини яладику".

ОМОН ТЎРАЕВ,
Чорвачилик ва паррандачиллик илмий-тадқиқот инститutи асаларичилик бўлими мудири, профессор.



"O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI ENSIKLOPEDIYASI" NASHR ETILMOQDA

Mamlakatimizda agrar sohani rivojlantirish va bilimlarni keng targib qilish maqsadida ilk bor "O'zbekiston qishloq xo'jaligi ensiklopediyasi" nashr etilmogda. Ushbu ensiklopediya Prezidentning 2023-yil 7-iyulda PQ-216-son qaroriga asosan amalga oshirilayotgan islohotlarning muhim natijasidir.

Uch jiddan iborat ushu ensiklopediya qishloq xo'jaligi sohasida dunyo tajribasi, milliy qadriyatlar, zamonaviy texnologiyalar, ekologik muammolar, atamalar va boshqa ko'plab muhim mavzularni o'z ichiga oladi. U faqtgina ilmiy ma'lumotlarni emas, balki amaliy qollanmalarni ham qamrab olgan bo'lib, agrar soha xodimlari, olimlar, talabalabar uchun ishonchli manba bo'lib xizmat qiladi.

Ushbu loyiha amalga oshirishda 197 nafta ilmiy va pedagogik xodim faoliyatiga etib, ular tomonidan 2021-yildan boshlab ma'lumotlarni yig'ish, tahsil qilish va tizimlashtirish ishlari olib borildi. Birinchi jildining nashrga tayyorlangan loyihasi "O'zbekiston" nashriyot-matbasiga ijodiy uyida chop etiladi. Shuningdek, ensiklopediyaning elektron varianti ham ishlab chiqilgan.

O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vazirligi
axborot xizmati

соҳаларида ижтимоий ҳимояни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

2024 йилда Президентимиз томонидан имзоланган қонунчилик ислоҳотлари ҳарбий хизматчиларнинг тадбиркорлик фаoliyati билан шугулланышла ва хизмат мавзеларидан шахсий манфаатлар учун фойдаланишини тақиқлайди. Ҳарбийларимизнинг хизматда шаффоғлиф ва профессионаллик тамоилиларига содиқлигини янада кучайтиради.

МИЛЛИЙ АРМИЯ – МИЛЛАТ ФУРУРИ

Президент Шавкат Мирзиёев Куролли Кучлар давлати-мизининг таълими ва мустақилик рамзи эканлигини бир неча бор таъкидлаган. Унинг ҳарбий хизматчиларга йўллаган табригидаги ушбу сўзлар ҳам бунга бир мисол бўла олади: "Хеч шубҳасиз, маддат ва олижаноб ҳалқимиз ўзининг муқаддас қасамёдига ҳамиша содик бўлиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўйда ҳам шараб билан адо этётган сизлар каби забардаст фарзандлари – баҳодир ва довориҳар ҳарбийларимиз билан ҳақли равишда фарҳанади.

Бутунгунда Ўзбекистон армияси Global Firepower (2024) ҳалқаро рейтингидаги 65-ўринни эгаллаб туриди. Бу унинг нафакат минтақадаги, балки дунёдаги кучли армиялардан бири сифатидаги мақомини тасдиқлайди. Рейтингда 60 дан ортиқ кўрсаткичлар, жумладан, шахсий таркиб сони, технologик жиҳозланғанлик ва иқтисодий барқарорлик каби жиҳатлар хисобга олинади.

ХУЛОСА

33 йил бу – оддий санадан ташқари, доимий ривожланиши, ислоҳотлар ва ютуқлар рамзи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари – тинчлик ва барқарорлик фаoliyati, мустақилик таълими ва миллий гурур тимсоли. Унинг муваффакиятлари бутун мамлакат, халқи ва унинг етакчиси муваффакиятлариди.

Армиянинг 33 йиллигини нишонлаши бу – нафакат Ватан ҳимоячиларини кутлаш, балки келажак ҳақида ўлашаш учун ҳам бир имкониятди. Чунки кучли армия – кучли Ўзбекистон демактир, бу унинг ўз кучи ва келажагига ишонч билан қарашига асос бўлиб хизмат қиласди.

Биз буюк Амир Темурингон дононлиги ва стратегик маҳоратларини эслаб, Ўзбекистон тарихи ҳар доим куч, шараб ва давлатчилик буюклиги тарихи бўлиб келганини англаймиз. Темурингон мероси давлат кутради нафакат армияда, балки халқни бирлаштириш, фидойиликка илҳомлантириш ва адолат ҳамда мустақиликнинг олий идеалларини ҳимояни қилиш қобилиятида эканлигини ўргатади.

Ўзбекистон армияси – тинчлик кафолати, миллий гурур рамзи ва ёру ҳамдажак ҳимояни қиласди. Чунки кучли армия – кучли Ўзбекистон ҳимояни қиласди, балки ҳар бир фуқаронинг ўз мамлакати буюклиги ва кучи ҳақида ишончини мустаҳкамланади.

Абдуазис ХИДИРОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ: 33 ЙИЛЛИК ШАРАФЛИ ТАРИХГА БИР НАЗАР



куруқлик, ҳаво ва денгиз бўлинмалари ўртасидаги ҳамкорликни тақомиллаштиришга қаратилган тактик вазифалар амалга оширилди.

Ҳалқаро ташабbuslar орасида Xindistoston bilan ҳамкорликда ўтказиладиган "Дўстлик – 2024" ўқув машгулотлari алоҳида аҳамиятни касб этиди. 2024 йилда Ҳамкорликни тақомиллаштиришга қаратилган таълим тизимини тақомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул килинди. Замонавий texnologiyalar va жонговар ҳаракатларнинг илғор усулларини самарали ќўллай ола-диган юқори малакали офицерлар тайёрлаш учун зарур орқали таъкидлайди.

2023 йилда Президент фармонига мувофиқ, Куролли Кучларни рақамлаштириш дастури амалга оширила бошланди. Кўшиналарни бошқаришнинг автоматаштирилган тизимлари ва замонавий алоқа воситаларини жорий этиши орқали турли вазиятлarda қарор қилиш самарадорлигидан оширилди.

АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР

Куролли Кучлар ривожланишинг асосий ўйналишларидан бири курол-ярғо ва армия тузилмасини модернизацияни кишилди. 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти – Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёев бошчилигида жонговар шайлик ва хизмат самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор қонунчилик ўзгаришлари қабул килинди. Булардан кутилган ҳаммадин Президентимизнинг кўйидаги сўзларидан ҳам яққол англаш мумкин:

"Дунёда турли ҳатар ва таҳдидалар авж олиб бораётган ҳозирги шароитда Куролли Кучларимизнинг жонговар ва маънавий салоҳиятини оширишга ётибор янада кучайтиради." Дарҳақиқат, замонавий texnologiyalarни жорий этишига алоҳида ётибор қаратилади. Айни пайтда модернизация донирасида армиямиз замонавий алоқа тизимлари, разведка воситалари, учучвисиз ҳаво аппаратурлари ва бронетехника билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар учун ўй-жой ва тиббий хизмат кўрсатиш



ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ


Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига жамоаси 2024 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига жамоаси Жанубий Кореядаги тайёрғарлик бўйича ҳалқаро мусобақаларнинг мутлок голибига айланди. Очилиш маросимида Жанубий Корея Куролли Кучларни Бош штаби бошлиги Пак Ан Со ушбу мусобақаларнинг ҳалқаро ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлашадиги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон ҳарбийлари ушбу ҳалқаро ҳарбий мусобақада тактик режалаштириш ва вазифаларни бажаришда юқори даражадаги профессионалликни намойиш этиб, бошқа иштирикчиларнинг хурмат ва ётироғига сазовор бўлди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ МУВАФАҚИЯТЛАР

Бундан ташқари, 2024 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига жамоаси Жанубий Кореядаги тайёрғарлик бўйича ҳалқаро мусобақаларнинг иштирикчиларнинг ҳамкорликни мустаҳкамлашадиги аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Телефонга қарамлик инсоннинг реал ҳаётда мулокот қилиши қобилиятини сусайтириб боради



ҲАЁТНИНГ РАҚАМЛИ ҚАФАСИДА
Ҳаётнинг ҳар бир даври ўзига яраша муаммолар ва имкониятлар билан тұла. XXI асрда биз рақамли технологияларнинг тез ривожланиши гувохи бўляпмиз.

Бу ривожланиш бизга кўплаб имкониятларни тақдим этса-да, айни пайтда бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Улардан бири – телефонга қарар авлод мумамоси. Бу ҳозирда кенг тарқалган мумамо. Ёш авлод, айниска, телефонга қарар бўлиб қолган. Уларнинг кўп вақти телефонда ўтади. Улар телефонда ўйин ўйнашади, ижтимоий тармоқларда вақт ўтказиши, видеолар томоша қилишади. Кўчада, жамоат жойида, таксида, маънавий-материал тадбирларда, ҳаттоқи тўй-тантаналарда ҳам 90 фоиз одамларнинг қўлида телефон, онгу шуунини телефон эгаллаб олган. Телефонга муккасидан кетган инсон атроф-мухитни унтиб, ўша виртуал оламга кириб кетади. Энг ачинчарлиси, катталар гўдакларни ҳам телефон билан овутишмокда.

Телефонга қарамликнинг салбий оқибатлари кўп:

– Ижтимоий муносабатларнинг сусайиши: телефонга қарар бўлиб қолган ёшлар оила азъолари, дўстлари билан камроқ вақт ўтказади. Уларнинг реал ҳаётда мулокот қилиши қобилиятини сусайиб боради.

– Соғлиққа салбий таъсир: телефонга

қарамлик кўзларнинг чарчаши, бош оғриғи, уйқусизлик, руҳий касалликлар каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

– Ўқишга салбий таъсир: телефонга қарар бўлиб қолган ўқувчилар ўқишга камроқ вақт ажратадилар. Уларнинг дикқат-эътибори телефонга қаратилган бўлади.



Саодат ҚУРБОНОВА

– Ҳаётдан мазза қилиш қобилиятининг сусайиши: телефонга қарар бўлиб қолган ёшлар реал ҳаётдаги гўзалликларни кўриш, хис қилиш, маза қилиш имкониятидан маҳрум бўлишидади.

Телефонга қарамликдан қутулиш учун нима қилиш керак?

– Вақтни бошқариш: телефонга акратиладиган вақтни чеклаш, ўқиш, спорт, санъат, оила азъолари билан мулокот қилишига вақт ажратиш керак.

– Телефондан узоқлашиш: телефондан узоқлашиш, табиат билан яқинроқ мулокот қилиш, китоб ўқиш, спорт билан шугууланиши, оила азъолари билан вақтни ажратадилар. Уларнинг дикқат-эътибори телефонга қаратилган бўлади.

– Телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш: телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, телефонга қарар бўлиб қолмаслик, унинг салбий оқибатларидан огоҳ бўлиш, реал ҳаётдаги гўзалликларни кўриш, хис қилиш керак.

Телефонга қарамлик – мураккаб муаммо. Уни ҳал қилиш учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Телефонга қарар бўлиб қолмаслик, унинг салбий оқибатларидан огоҳ бўлиш, реал ҳаётдаги гўзалликларни кўриш, хис қилиш керак.

SHOSHILING !!!
Kaltsiy va magniy mikroelementli AMMIAKLI SELITRA
Birja savdolarida.

MAXAM-CHIRCHIQ
AMMIAKLI SELITRA
AMMONIUM NITRATE: AMMONIUM NITRATE
ОЗЕРСКАТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧИРЧИҚ ШАҲРИ АММИАКЛИ СЕЛИТРА
N-34,4%
MgO Magniy
Ca Kaltsiy

Mahsulot sertifikatlari
№ UZ.SMT.01.080.64398163
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.
Tel: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-67.
info@maxam-chichiq.uz
www.maxam-chichiq.uz

Кутлов

Biznesni Rivojlantirish Banki

2025

● Yangi yilingiz muborak bo'lsin! ●

BRB ilovasida 10 million so'mgacha KOMISSIYASIZ o'tkazmalar

Переводы БЕЗ КОМИССИИ до 10 млн сум в приложении BRB

1254
www.brb.uz

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирilar Maʼmmasasi kompleksi таркиbidagi ҳамда бошқа дахлдор вазирilar va idoralar.

Бош мухаррир: Чори ЛАТИПОВ
Таҳтирик ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАХМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Актам ХАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош мухаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош мухаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рекам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоб. Офсет усулда босилди, көғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюрта Г-1217. 1020 нусхада чоп этилди.
Таҳтирик манзили: Тошкент вилояти Кирбай тумани, Университет кўчаси, 2-йи. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 517-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Бахси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нацирёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Босмахона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-йи. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2030-7021
9772010702007
Босишига топшириш вақти: 21:00
Босишига топшириди вақти: 19:00